

XV. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ


Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари) 2020 йил январь-март ойларида **2 582,5** минг сўми ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **26,5 %** га ўсди. 2020 йил март ойи учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **2 810,9** минг сўми ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **29,8 %** га ўсди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиши иқтисодий фаолият турларидан банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида - **46,7 %** га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда - **32,6 %** га, қурилиш соҳасида - **32,2 %** га, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида - **29,1 %** га, савдо соҳасида - **27,2 %** га, саноат соҳасида - **23,9 %** га ҳамда санъат, кўнгили очиш ва дам олиш соҳасида - **23,8 %** бўлганлиги кузатилди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида - **5 460,8** минг сўми (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2,1 мартага юқори), ахборот ва алоқада - **4 171,0** минг сўми (61,5 %), саноатда - **3 524,0** минг сўми (36,5 %), ташиш ва сақлашда - **3 375,6** минг сўми (30,7 %), қурилишда - **3 051,1** минг сўми (18,1 %) ташкил этди.




**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
ўртача ойлик номинал ҳисобланган
иш ҳақи, минг сўм**
(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги
ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича
ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг
республикадаг ўртача ойлик иш ҳақига нисбати, % да
(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик
тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



2020 йил январь-март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 271,0 АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 111,2 % ни ташкил этди (1 АҚШ доллари 2020 йил январь-март ойларида 9529,59 сўмни, 2019 йил январь-март ойларида эса 8378,32 сўмни ташкил этган).

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи




**“Банк, суғурта, лизинг, кредит
ва воситачилик” иқтисодий фаолият тури бўйича
ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик
тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда



Ушбу соҳада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 124,1 %, Навоий вилоятида 101,9 % ҳамда Жиззах вилоятида 101,0 % кузатилди.




Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **5460,8** минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **46,7** % га ўсди.

Мазкур соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Тошкент вилоятида 79,1 % ни, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 78,0 % ни, Сирдарё вилоятида 73,4 % ни ҳамда Наманган вилоятида 71,2 % ни ташкил этди.



Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



**“Ахборот ва алоқа” иқтисодий фаолият тури
бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**




*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги
ва кичик тадбиркорлик субъектларидан
ташқари)*

**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**

Тошкент ш. – 4 359,7




Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича энг юкори кўрсаткич Тошкент шаҳрида кузатилди ва у республика кўрсаткичига нисбатан 104,5 % ни ташкил этди.



Шу билан бирга, ушбу соҳада Тошкент шаҳридан бошқа худудларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида 53,6 % ни, Андижон вилоятида 52,0 % ни, Бухоро вилоятида 46,7 % ни, Наманган вилоятида 40,3 % ни ҳамда Тошкент вилоятида 32,6 % ни ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.

**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



**“Саноат” иқтисодий фаолият
тури бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**

(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги
ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**



Саноат соҳаси бўйича ҳудудлардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида 124,3 % ни, Тошкент шаҳрида 114,2 % ни, Қорақалпоғистон Республикасида 108,1 % ни, Андижон вилоятида 103,0 % ва Тошкент вилоятида 101,3 % ни ташкил этган.



Шу билан бирга, мамлакатнинг тўққизта ҳудудида ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика даражасидан паст эканлиги кузатилди.

Ушбу соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан сезиларли даражада паст кўрсаткичи Фарғона вилоятида 77,7 % ни, Сурхондарё вилоятида 76,4 % ни, Жиззах вилоятида 69,4 % ни, Наманган вилоятида 64,9 % ни ҳамда Сирдарё вилоятида 59,1 % ни ташкил этди.



**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



**“Ташиш ва сақлаш”
иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи**

(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик
тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**



Ташиш ва сақлаш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлар Хоразм вилоятида 131,6 %, Тошкент шаҳрида 118,5 %, Қорақалпоғистон Республикасида 106,2 % кузатилди.



Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 3375,6 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 24,9 % га ошди.

Шу билан бир қаторда, республикамизнинг ўн иккита худудида ташиш ва сақлаш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи республика даражасидан паст бўлди.

Соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақи нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Самарқанд вилоятида 52,3 % ни, Сирдарё вилоятида 50,3 % ни, Жиззах вилоятида 49,2 % ни, Тошкент вилоятида 47,2 % ни ҳамда Андижон вилоятида 43,5 % ни ташкил этди.

**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**




**“Қурилиш” иқтисодий фаолият
тури бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги
ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда



Ушбу соҳада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республика кўрсаткичига нисбатан энг юқори кўрсаткичлар Наманган вилоятида 135,0 %, Навоий вилоятида 131,6 % ни, Андижон вилоятида 128,5 % ни, Тошкент вилоятида 114,8 % ни ҳамда Тошкент шаҳрида 109,4 % ни ташкил этган.



Шу билан бирга, ушбу соҳада ўн битта ҳудудда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Бухоро вилоятида 77,0 % ни, Хоразм вилоятида 73,6 % ни, Фарғона вилоятида 67,4 % ни, Қашқадарё вилоятида 66,0 % ни ҳамда Жиззах вилоятида 63,7 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.



Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



**“Савдо” иқтисодий фаолият тури
бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги
ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**



Савдо соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республика кўрсаткичига нисбатан энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 121,1 % ни, Сирдарё вилоятида 109,6 % ни, Жиззах вилоятида 108,3 % ни ташкил этди.



Шу билан бирга, ушбу соҳада ўн иккита ҳудудда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Наманган вилоятида 80,0 % ни, Қорақалпоғистон Республикасида 76,5 % ни, Қашқадарё вилоятида 74,4 % ни, Бухоро вилоятида 73,4 % ни ҳамда Самарқанд вилоятида 72,7 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.



**Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда**



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



**“Таълим” иқтисодий фаолият
тури бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**
(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги
ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Ушбу соҳада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республика кўрсаткичига нисбатан энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида 138,4 % ни, Сирдарё вилоятида 101,9 % ни, Навоий вилоятида 100,5 % Тошкент вилоятида 100,1 % ни ташкил этган.



Шу билан бирга, ушбу соҳада тўққизта ҳудудда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида 95,2 % ни, Фарғона вилоятида 92,0 % ни, Хоразм вилоятида 91,9 % ни ҳамда Қашқадарё вилояти 87,4 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.



LOREM IPSUM
CREATIVITY 2024

**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



“Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар
кўрсатиш” иқтисодий фаолият тури бўйича
ўртача



ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик
тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида 118,0 % ни, Бухоро вилоятида 112,6 % ни, Қорақалпоғистон Республикасида 109,1 % ни, Сирдарё вилоятида 108,5 % ни ва Хоразм вилоятида 106,6 % ни ташкил этган.



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **1 811,5** минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **29,1 %** га ўсди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Наманган вилоятида 96,9 % ни, Жиззах вилоятида 96,5 % ни, Тошкент вилоятида 95,2 % ни, Фарғона вилоятида 93,4 % ни ҳамда Қашқадарё вилоятида 77,3 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан энг кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ўртача ойлик иш ҳақи,
минг сўмда



Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръатлари

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли ўсганлиги кузатилди.



“Таълим” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари (ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)

Таълим соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 1969,7 минг сўми, февраль ойида 2125,4 минг сўми, март ойида эса 2172,2 минг сўми ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,2 % га ўсди.



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи



**“Саноат” иқтисодий фаолият
тури бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари**
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Саноат соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 3330,3 минг сўмни, февраль ойида 3382,1 минг сўмни, март ойида эса 3836,8 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.


Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,9 % га ўсди.



**“Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий
хизматлар кўрсатиш” иқтисодий фаолият тури
бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг
ўсиш суръатлари**
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий
хизматлар кўрсатиш** соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 1723,8 минг сўмни, февраль ойида 1801,0 минг сўмни, март ойида эса 1909,0 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,1 % га ўсди.



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



**“Банк, суғурта, лизинг, кредит
ва воситачилик” иқтисодий фаолият тури
бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг
ўсиш суръатлари**

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 4512,8 минг сўмни, февраль ойида 4923,8 минг сўмни, март ойида эса 6960,2 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46,7 % га ўсди.



**“Ташиш ва сақлаш” иқтисодий
фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари**

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)

Ташиш ва сақлаш соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 3176,7 минг сўмни, февраль ойида 3382,6 минг сўмни, март ойида эса 3562,7 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,9 % га ўсди.



**Ўртача ойлик номинал
ҳисобланган иш ҳақи**



Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш
ҳақининг республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига
нисбати, % да

(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари)



Ўртача ойлик иш ҳақининг республика ҳудудлари бўйича энг юқори миқдори Тошкент шаҳрида **3737,6** минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 144,7 %), Навоий вилоятида **3283,7** минг сўмни (127,2 %) ва Тошкент вилоятида **2702,5** минг сўмни (104,6 %) ташкил этган.

Ўртача ойлик иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Фарғона (2138,0 минг сўм), Самарқанд (2119,3 минг сўм), Наманган (2098,1 минг сўм) ва Қашқадарё (2025,6 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Мазкур вилоятларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан мос равишда 17,2 %, 17,9 %, 18,8 % ва 21,6 % га кам бўлган.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номинал ҳисобланган иш ҳақи – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

Реал иш ҳақи – базис давр нархларидан келиб чиқиб, жорий даврдаги иш ҳақиға сотиб олиш мумкин бўлган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ифодалайди.

Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони – ойнанинг маълум бир санасига, яъни биринчи ёки охириги санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади. Битта ташкилотнинг ичида ички ўриндош сифатида расмийлаштирилган ходим бир киши сифатида ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11, 83, 102, 119, 150, 159, 160, 165, 229, 236, 242, 254 – моддаларида келтирилганлар ва бошқа меҳнатга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда келтирилганлар киритилади.

Қуйидаги ходимлар меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига киритилмайди: бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар; фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар; ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони – хомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган, бевосита туғуруқхонанинг ўзидан янги туғилган чақалокни фарзандликка олиш муносабати билан таътилда бўлган, ҳамда болани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар; таълим муассасаларида ўқиётган ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча меҳнат таътилида бўлганлар, шунингдек, таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган ходимларларни инобатга олмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ва иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сонини ифодалайди.

Ҳисобот ойини қўшган ҳолда, йил бошидан ҳисобот давридаги ходимларнинг ўртача сони ўтган жами ойлардаги ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва олинган суммани ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи